O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
ҲОКИМИ

# ҚАРОР

2000 yil "24" июль № 172–Қ

**Самарканд шахар хокимининг 1999 йил 23 мартдаги 142-К сонли «Ер майдонини олиб бериш тугрисида»ги карорини бекор килиш хакида.**

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1990 йил 26 ноябрдаги 409-р сонли, Халк депутатлари Самарканд область совети Ижроия комитетининг 1990 йил 13 декабрдаги 296-р ракамли фармойишларига асосан 16-сон хунар-техника билим юртининг курилиши тугалланмаган биноси «Вакцина» илмий-ишлаб чикариш бирлашмасига берилган.

Самарканд шахар хокимининг 1999 йил 23 мартдаги 142-к сонли «Ер майдонини олиб бериш тугрисида»ги карорида кузда тутилган «Медиз» тиббий ускуналар заводи «Вакцина» илмий-ишлаб чикариш бирлашмасининг таркибий булинмаси хисобланиб, «Узбекистон Республикасидаги корхоналар тугрисида»ги Конунига биноан корхона фаолиятига асоссиз аралашишга йул куйилмаслигини, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хамда вилоят микёсида кабул килинган карорларга зид равишда мазмуни узгартирилиб, хукукий асослар булмаган холда кабул килинганлигини инобатга олиб,

**КАРОР КИЛАМАН :**

1. Самарканд шахар хокимининг 1999 йил 23 мартдаги 142-к сонли «Ер майдонини олиб бериш тугрисида»ги карори бекор килинсин.

2. Ушбу карор манфаатдор томонларга хабар килинсин.

3. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат килиш вилоят хокимининг уринбосари С.Ибрагимовга зиммасига юклатилсин.

**Вилоят хокими** **Э. Рузиев**

VAKCINA

1105 - 2000